

**САМАРАҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАЙЗАКОВА ДИЛБАР АБДИКАЮМОВНА**

**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
**ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР АСОСИДА КИМЁ ФАНИНИ**  
**ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Шайзакова Дилбар Абдикаюмовна**

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида  
кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш.....3

**Шайзакова Дилбар Абдикаюмовна**

Совершенствование содержания преподавания предмета химии на основе  
лично-ориентированных технологии и современных методов.....23

**Shayzakova Dilbar Abdikayumovna**

Development of teaching chemistry through applying person-directed technologies  
and modern methods.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**САМАРАҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАЙЗАКОВА ДИЛБАР АБДИКАЮМОВНА**

**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР АСОСИДА КИМЁ ФАНИНИ  
ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped730 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб - саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Насимов Абдулло Муродович**

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Омонов Хожикул Товбоевич**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Эшчанов Эркабой Ускинович**

педагогика фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли Илмий кенгаш қошида ташкил этилган бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «16» 07 соат «19<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 07 куни тарқатилди.

(2020 йил «4» 07 даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



**Х.Т. Тробов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент

**Ш.М. Сайиткулов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

**Э.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё таълими соҳасини модернизациялаш, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, ўқитишнинг услубий асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Америка, Япония, Германия, Хитой, Франция мамлакатларида шахсга йўналтирилган стратегияларни кимё ўқитиш жараёнига жорий этиш асосида унинг мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш сифатини ошириш, фанга оид махсус компетенцияларни шакллантиришда янги ғояларни топиш ва амалиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда халқаро миқёсда кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш жараёнига педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш, шахсга йўналтирилган таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини шакллантиришга йўналтирадиган замонавий услубий таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнига қўллаш зарур.

Жумладан, Brandeis University (Америка), Albert-Ludwigs-University (Германия), Mie University (Япония), Ростов давлат педагогика университети, Волгоград давлат ижтимоий педагогика университети (Россия) олимларининг тавсияси бўйича таълим сифати самарадорлигини оширишда, кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнига қўллаш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялар воситаларини жорий этиш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга кимё фанини ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий методларнинг такомиллаштирилган механизмларини яхлит тизим сифатида ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «кимё, математика, физика, биология, информатика каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада кимё фанини ўқитишнинг услубий тузилмаси, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифати даражаси, кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик босқичлари, мустақил ишларни бажаришга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тугрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

йўналтирилган ахборот-услугий таъминотини бойитиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар<sup>2</sup> тўғрисида»ги ПФ-5538-сон ҳамда 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги ПФ-5712-сонли фармонлари мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориж давлатларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёнига инновацион ва шахсга йўналтирилган технологияларни жорий этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, хорижда ва республикада замонавий ўқитиш технологиялари, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш, ўқитиш самарадорлигини таъминлаш, кимё ўқитиш методикасининг турли масалалари Н.Х.Авлиёқулов, Ф.А.Алимова, Н.А.Анварова, Н.Н.Азизхўжаева, М.Ажиева, В.П.Беспалько, М.К.Диметова, Ж.Ф.Йўлдошев, Т.Н.Курдюмова, Ш.М.Миркомиллов, Н.О.Минькова, А.Мавлянов, М.Нишонов, О.С.Штешина, Х.Т.Омонов, Г.А.Пичугина, Н.Ф.Рахматуллаев, Н.С.Саидахмедов, В.В.Сафин, Г.К.Селевко, Ж.О.Толипова, Д.Юнусова, М.И.Умаров, Г.П.Чепуренколарнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлик мамлакатларида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда шахсий ёндашув масаласи Ш.А.Амонашвили, Д.А.Белухин, Л.С.Выготский, Е.Н.Ильин ишларида ёритилган. Таълимга шахсга йўналтирилган ёндашув, инсоннинг шаклланиши, унинг индивидуал ривожланиши, шахсга йўналтирилган таълимнинг назарияси ва амалиёти, мазмун ва моҳияти масалалари Г.М.Анохин, Е.В.Бондаревская, Т.С.Горбунова, В.В.Гузеев, Н.А.Давыдова, Г.И.Егорова, М.С.Завьялова, И.В.Костерина, Е.Б.Куркин, О.А.Колпакова, М.Е.Кузнецов, И.Л.Масандилова, О.Г.Мишанова, А.А.Плигин, В.В.Сериков, Е.Н.Степанова, О.В.Трескина, А.В.Хуторский, О.Н.Шевлюкова,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар<sup>2</sup> тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони

И.С.Якиманская, В.В.Шоганлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижда шахсий ёндашувларни ўрганиб, ривожланишга салмоқли ҳисса қўшган педагоглар ва ижтимоий психологлар, таълимда шахсга йўналтирилган ёндашув инсоннинг шаклланишига, унинг индивидуал ривожланишига, ижодкорлик қобилиятининг такомиллашувига ёрдам беришини М.Боуэн, А.Маслоу, К.Роджерс; шахсга йўналтирилган таълим атамасини тушунчасининг моҳияти, асосий принциплари, функцияларини, мактаб амалиётига жорий этиш йўллариини Н.А.Алексеев, Е.В.Бондаревская, В.В.Сатир; шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, назарияси ва амалиёти, уни ташкил этиш масалалари, ўқувчининг шахсий функциясини ривожлантириш муамолари Э.Ф.Зеер, М.С.Завьялова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда А-1-122 “Таълим оловчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда ўқув мақсадларини аниқлаштириш ва уларни топшириқларга айланттириш технологиялари” (2015-2017 йил) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни қўллашнинг назарий-амалий асосларини, ҳозирги ҳолатини таҳлилий асосда ўрганиш;

кимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланишнинг ташкилий ва педагогик шарт-шароитлари, мазмуни, метод, шакл ва воситаларини аниқлаш ҳамда уларни такомиллаштириш;

шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитишда ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга мотивация берувчи шахсга йўналтирилган дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш;

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “шахс фаолиятига йўналтирилган (фаолият мақсади, мазмуни ва уни ўзлаштириш усуллари, фаолият хусусиятлари ва функциялари, шахс тажрибаси ва сифатлари, эгалланадиган компетентция компонентлари ҳамда фаолият натижалари ўз аксини топган) модел” ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий

усуллардан фойдаланиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Тошкент шаҳри, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги 5 та умумий ўрта таълим мактабларининг жами 209 нафар ўқувчилари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиш мазмуни, метод, шакл ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, педагогик ва психологик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, мактаблардаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш (анкета, суҳбат, кузатиш, тест, лойиҳалаш, эксперт баҳолаш, тажриба-синов), педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари асосида шахсга йўналтирилган омилларни (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш ва шахсга йўналтирилган технология) ўқув амалиётига жорий этиш йўллари ишлаб чиқилган;

кимё фанини ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган технология (шахсий инсонпарварлик, лойиҳалаш, муаммоли ўқитиш, эвристик)лар ва замонавий усуллар (эркин фикрлаш, танқидий тафаккур, ижодий изланиш, мулоқот, диалог)ни қўллашнинг назарий-амалий асослари, ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида, улардан фойдаланишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва методлари, ўзига хос хусусиятлари (ўқувчининг индивидуаллигини ошириш, шахс сифатида ривожланиши, ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилганлиги) аниқланиб, такомиллаштирилган;

шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитишда ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга мотивация берувчи шахсга йўналтирилган дарсларни лойиҳалаш бўйича ишланмалар, умумўқув кўникма ва малакалар (ўқув-ташкилий, ўқув-ахборот, ўқув-интеллектуал)ни оширишга имкон берувчи дидактик муаммоли топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “шахс фаолиятига йўналтирилган (фаолият мақсади, мазмуни ва уни ўзлаштириш усуллари, фаолият хусусиятлари ва функциялари, шахс тажрибаси ва сифатлари, эгалланадиган компетентция компонентлари ҳамда фаолият натижалари ўз аксини топган) модел” ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

кимё фанини ўқитишда таълим самарадорлигини таъминловчи шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг мазмуни, моҳияти, уларнинг ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган шартлари тизимлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилган;

кимё фанини ўқитишда ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш ҳамда шахсга йўналтирилган дарсларни лойиҳалаш бўйича ишланмалар, умумўқув ҳамда лойиҳалаш кўникма ва малакаларни



оширишга имкон берувчи дидактик муаммоли топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “шахс фаолиятига йўналтирилган модел” ҳамда ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини, интеллектуал фаолиятини шакллантиришга имкон берувчи муаммоли машқлар мажмуаси (анаграммаларни ечиш, фарқларни топиш, интеллектуал ақлий машқ ва б.қ.) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижаларнинг республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК тасаруффидаги ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, монография, яратилган ўқув қўлланма ва услубий тавсияномаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, кимё фанини ўқитиш амалиётида ишлаб чиқилган, кимё фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган муаммоли савол ва топшириқлар мажмуасининг тажриба-синов асосида текширилганлиги, ўқувчиларга кимёни ўқитиш жараёнида компетенциявий ёндашувнинг босқичма-босқич амалга оширилганлиги ҳамда унинг тажриба-синов асосида текширилганлиги, кимё фанини ўқитиш амалиётига тажриба-синов натижаларини қўллаш, олинган натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такомиллаштирилган инновацион технология ва усуллар, ўқувчиларни кимё фанидан ижодий қобилиятини ривожлантириш, билимларни ўзлаштириш сифатини ва ўқитиш самарадорлигини ошириш билан изоҳланади. Диссертация хорижий, маҳаллий илмий манбалар ҳамда амалиётчиларнинг танқидий-таҳлилий хулосалари, соҳага оид илмий ва методик манбалар яратишда шунингдек, истиқболда муаммонинг янги қирраларини тадқиқ этишда аҳамиятли манба бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш кимё фанининг мазмуни ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотини яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

кимё фанини ўқитиш жараёнида, ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган шахсни шакллантирувчи омил (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш ва шахсга йўналтирилган технология) лари ўқув жараёнида қўлланилган (Халқ таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 06-

06/1-571 сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда талаб этилган компетентлик шаклланиб, ўқув фаолияти сифати ва самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар асосида “Кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар” номли ўқув қўлланма нашр қилинган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Халқ таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 06-06/1-571 сон маълумотномаси). Натижада ушбу ўқув қўлланма асосида, умумий ўрта таълим мактабларининг кимё фани ўқитувчилари шахсни шакллантиришга йўналтирилган омилларни мукаммал ўрганиб, улардан ўқув машғулотларида фойдаланиш, дарсларни ташкил этиш ва ўқув фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланишга оид тавсиялардан ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълим вазирлигининг 2019 йил 12 мартдаги 06-06/1-558-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режа ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий, жумладан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий тавсиянома, 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти, предмети, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилигини ёритиб берувчи тартиблар шакллантирилиб, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган омилларнинг назарий-методологик асослари”** номли биринчи бобида, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб,

кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, шахсга йўналтирилган омилар (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технология) дан фойдаланиш, тадқиқот муаммосининг республикамиз ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мазкур омиларнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун ва моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Педагогик адабиётларда “шахсий ёндашув”, “шахсга йўналтирилган таълим” атамалари моҳиятини очиқ бериш, унинг назарияси ва амалиёти, ташкил этиш масалалари, ўқувчининг шахсий функциясини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим ва дарс технологияларини ўрганиш XIX асрнинг 90 йиллари XX асрнинг бошларидан бошланган. Ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан АҚШ, Германия, Қозоғистон, Россия, Японияда олиб борилмоқда. Хориж олимлари Ш.А.Амонашвили, Д.А.Белухин, М.Боуэн, Л.С.Выготский, С.М.Гульянц, Е.Н.Ильин, А.Маслоу, И.Л.Масадилова, К.Р.Роджерс, И.С.Якиманская, В.В.Сериков ва бошқалар ўз тадқиқотларида шахсга йўналтирилган омилар (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технология) ўз-ўзини намоён этиш, инсоннинг шаклланишини, унинг индивидуал ривожланиши, ижодкорлик қобилияти, мақсадга интилиш, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш, ўқувчида шахсий функцияларнинг (жавобгарлик, ўз-ўзини намоён этиш, рефлексив) ривожланишига ёрдам беришини ёритиб берганлар.

Шахсга йўналтирилган таълим атамасини тўлиқ очиқ бериш Н.А.Алексеев, Е.В.Бондаревский, В.В.Сатир каби олимларнинг ишларида ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида ушбу тушунчанинг моҳияти аниқланиб, таълим типининг ўзига хослиги ажратиб кўрсатилган, мактаб амалиётига жорий этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Шахсга йўналтирилган таълим унинг назарияси ва амалиёти, уни ташкил этиш масалалари, ўқувчининг шахсий функциясини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим ва дарс технологиялари хориж ва республикамиз олимлари Г.М.Анохина, Т.С.Горбунова, В.В.Гузеев, Н.А.Давыдова, Г.И.Егорова, Э.Ф.Зеер, М.С.Завьялова, О.А.Колпакова, Е.Б.Куркин, М.Е.Кузнецов, И.В.Костерина, О.Г.Мишанова, К.Т.Олимов, А.А.Плигин, Е.Н.Степанова, О.В.Трескина, А.В.Хуторский, О.Н.Шевлюкова, В.В.Шоганларнинг ишларида ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида шахсни шакллантириш омилари таълим жараёнини ташкил этишнинг янги, истиқболли ўқитиш шаклларида бири эканлиги кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш, унинг мазмунини белгилашда қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишда шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишда тизимли ёндашувни амалга ошириш лозим. Олиб борилган тадқиқот

натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, шахсга йўналтирилган омиллар муаммосини таҳлил қилиш ва уларни амалиётга жорий этиш, жамиятни демократик ривожлантириш шароитида замонавий таълимни янгилаш ва модернизация қилиш учун жуда истиқболли ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларни дарс жараёнига жорий этиш, айниқса, хориж тажрибаларидан фойдаланиб унинг тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва дарсда қўллаш, ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган кимёвий тушунча, таъриф, қоида, қонун, ҳодиса ва воқеалардан иборат мантиқий боғланишни таъминланиши асосида мавзунинг ўзлаштирилишига эришиш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, дарс жараёнини таҳлил қилиб бориш, олдиндан режалаштирилган натижага кафолатли эришиш ишларини амалга ошириш лозим.

Шахсга йўналтирилган омиллар бўйича билдирилган фикрлар асосида ўқитувчининг замонавий ўқитиш технология ва усуллардан фойдаланган ҳолда кимё фанини ўқитиш мазмуни самарадорлигини ошириш, ўқувчининг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эришиши учун дарс жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу омилларнинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали дарс мақсадига эришишни таъминлашдир. Ушбу мақсадда кимёдан мавзу лойиҳалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Шахсга йўналтирилган омиллардан фойдаланишнинг кун тартибига қўйилиши ҳамда дарс жараёнига татбиқ этилиши, мактабларда ўқувчиларни касбга тайёрлашга йўналтирилган жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди. Улар асосида ташкил этилган дарс жараёни ўқувчини касбга тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади. Унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги зеро, самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш ва шахсга йўналтирилган технология ўқувчи ва ўқитувчи ижодкорлигини тубдан ўзгартиради.

Диссертациянинг **“Кимё фанини шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ва замонавий интерфаол методлардан фойдаланиб ўқитиш методикаси”** номли иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиш, ўқувчини шакллантиришга йўналтирилган асосий технологиялар, кимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган амалий дарслар, муаммоли дарс лойиҳалари ишланмалари, шахс фаолияти модели, кимё фанини ўқитишга қўйиладиган талаблар ва таклифлар берилган.

Кимё таълими методикаси бўйича мактаб ўқувчилари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар, кимё ўқитиш методикаси фанидан маърузалар матни,

кимё методологииси ва методикасининг айрим масалалари, мактаб кимё курсини, унинг амалий масалалари билан боғлаб ўқитишнинг зарурлиги ва афзалликлари республикамиз ва хориж олимлари А.Абдусаматов, М.М.Абдулхаева, О.С.Зайцев, Р.Г.Иванова, Н.Е.Кузнецова, С.С.Космодемьянская, А.Ғ.Муфтахов, М.Нишонов, Ҳ.Т.Омонов, Н.Ғ.Раҳматуллаевлар томонидан ўрганилган. Улар мазкур педагогик муаммонинг педагогик асосларини, кимё фанини ўқитишда амалий масалаларга оид билимлар тизимини тузишнинг асосий йўналишини аниқлаб берганлар. Мактабда кимё фанини ишлаб чиқариш билан боғлаб ўқитиш ва унинг ижобий ролини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратганлар. Аммо, кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш алоҳида педагогик муаммо тарзида қўйилиб ва уни ҳал этишга бағишланган ҳамда кимёга оид шахсни шакллантиришга йўналтирилган амалий материалларни ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари деярли йўқ.

Замонавий педагогик технологиялар ичида қўйилган мақсадларга мос келувчилари шахсий-инсонпарварлик, лойиҳалаш, муаммоли ўқитиш, эвристик ўқитиш технологиялари эканлиги кўрсатиб берилган ва илмий асосланган. Улардан илмий-тадқиқот ишлари, муаммоларни ечиш, индивидуал фаолиятда, мустақил танқидий фикрлашни ривожлантиришда фойдаланиш самарали эканлигига урғу берилган. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида дарс ўқувчи шахсининг қизиқиши, қобилияти, имконияти ва шарт-шароити эътиборга олиниб ташкил этилади.

Ҳозирги кунда таълим тизимида, ўқитиш технологиялари билан бир қаторда, ўқитиш усулларининг бой базаси ҳам тўпланган. Ўқитишнинг оғзаки, репродуктив ва муаммоли-изланиш, индуктив ва дедуктив усуллари билан бир қаторда, кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш, эркин фикрлаш, танқидий тафаккур, дискуссия, мулоқот, ўйин, диалог каби замонавий усуллар ҳам ишлатила бошланди. Бу усуллар комплекси ўз навбатида дарс жараёнида қизиқувчанлик муҳитини яратади, ўқувчининг энг яхши шахсий сифатларини ривожлантиришга имкон беради, атроф муҳитга бефарқ бўлмасликка ундайди, ўқишга қизиқишни шакллантиради.

Ўқувчини шакллантиришга йўналтирилган асосий технологиялар ва усулларни амалиётга жорий этишда ўқувчининг мустақил изланишга, мустақил ишга, мустақил ихтиро қилишга йўналтирилганлиги таъминланади, кимё фанидан билимни мустақил эгаллашга, ўз шахсий фикрига эга бўлишга ўргатилади, кимё фани асосларини чуқур ўрганишга ёрдам беради, ўқитиш жараёнида мотивация, ҳаётда ўз ўрнини топиш ва рақобатбардош бўлиш истаги уйғотилади, ўқув материали ўқувчи томонидан танланади, қобилияти ва имконияти ҳисобга олинган ҳолда фаоллиги таъминланади, тадқиқотчилик фаолиятига қизиқиш, изланиш кўникмалари, хулосалар чиқара олиш малакалари ривожлантирилади, уларнинг ўқув-билиш компетенциялари шакллантирилади.

Ўқув-билиш компетенциялари ўз ичига: мақсад қўя олиш ва унга эришишни ташкил этиш, ўз мақсадини тушунтириш; ўз ўқув-билиш фаолиятини режалаштириш, таҳлил қилиш, рефлексия, ўз-ўзини баҳолашни

ташқил этиш; кузатилаётган фактларга саволлар бера олиш, ходисалар сабабини излаш, ўрганилаётган муаммо бўйича ўзининг тушунганлиги ёки тушунмаганлигини айтиш; билиш вазифаларини қўя олиш, уни ечишнинг муҳим воситалари ва йўллари танлаш, натижаларни ёзиш, хулосаларни шакллантириш; ўз ўқув фаолиятини назорат қилишни амалга оширишни олади.

Бизнинг фикримизча, ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари авваламбор дарсларда юзага келади. Шунинг учун ўқитувчи ўқитишнинг турли методлари, шакллари ва турларини қўллаган ҳолда дарснинг ҳар бир босқичида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга, ўқишга қизиқишни оширишга интилишлари лозим. Ўқитувчи ўз дарсида кўпроқ таянч схемалар, жадваллар, карточкалар, тарқатма материаллар, қизиқарли машқлардан фойдаланишлари муҳим ҳисобланади. Улар ҳайратланиш ҳиссини, янгиликларни, ўзгачани, кутилмаганликни келтириб чиқаради, зийраклик, ташаббускорликни ривожлантиради, хайрихоҳлик муҳитини яратади.

Ўқув-билиш компетенцияларнинг бошқа таркибий қисми бу, кўникмаларни шакллантириш, режалаштиришни ташқил этиш, таҳлил қилиш, релексия, ўз фаолиятини ўзи баҳолашдир. Дастлабки мустаҳкамлаш ҳар бир ҳолатни шарҳлаш орқали амалга оширилади, ҳаракат алгоритми: Нима қиляпман ва нима учун?, Нимага ундай бўляпти?, Нимага эришилиш керак?. Ўз даражаси ва кейинги фаолият дастурини ўқувчи тўғри аниқлаши учун унинг ўзини ўзи баҳолаши ривожланган бўлиши лозим. Ишларнинг ҳар бир босқичида ўқувчи ўз ютуқларини таҳлил қила олиши керак: Мен кейинги сатҳга ўтишим учун етарлича тайёрланганманми?. Агар йўқ бўлса, менинг билимларимда бўшлиқлар қаерда?. Ўқувчилар танлаш, ечим қабул қилиш ҳолатида бўлади: бу саволларга доимий жавоб беришни асослайди, натижада уларда рефлексия кўникмалари юзага келади.

Бажарилган ишни баҳолаш учун ўқувчи қуйидаги алгоритмдан фойдаланади: - мен ... ишни бажардим; - мен ишни хатосиз бажардим; - мен ишни мустақил бажардим.

Одатда дарс охирида унинг якуни чиқарилади, нимани билганини муҳокама қилади, дарс бошида қўйган мақсадга эришида ўз ҳиссасини баҳолайди, ўз фаоллигини, синфнинг самарали ишларини, ишларнинг танланган шакллари фойдасини баҳолайди: мен бугун дарсда билдим; ... менга қизиқарли бўлди; қийин бўлди; мен ўргандим; мен тушундим, нега.

Ўқув билиш жараёни компетенциясининг кейинги шакли бу, малака: кузатилаётган фактларга саволлар бериш, ҳодиса сабабларини излаш; ўрганилаётган муаммога бўйича ўз тушунгани ёки тушунмаганини билдириш; бу билиш компетенликни шакллантиришга продуктив ўқиш технологияси ёрдам беради; ўз қарашини шакллантириш, ҳамсухбатдошини тушуниш; матндан ахборотларни олиш; агар таҳлил талаб этилса матн муҳокамасини баҳолаш; ўз фикрларини асослай олиш: Сен нима учун шундай деб ўйлайсан?, Ўз фикрингни асосла, Матндаги сўзлар билан тасдиқла ва бошқалар.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ёрдамида таълимни шакллантиришда фойдаланиладиган шакллар тизими таълим олувчилар сонига қараб - ҳамкорликда, кичик гуруҳларда, яқка ҳолда ўқитиш; ўқитиш вақтига қараб - 45 дақиқа, 90 дақиқа бирлашган дарсдан иборат бўлади.

Дарс турлари орасидан назарий материалларни баён қилиш, лаборатория ишларини бажариш, амалий машғулот дарслари танлаб олинган. Ўқувчиларни кимёдан шахсга йўналтирилган амалий ишлар билан таништириш бўйича олиб борилган педагогик синовлар натижасида, худди шу турдаги дарсларнинг мазкур тадқиқот ишининг муаммосини ҳал қилишда самарали эканлиги аниқланган.

Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда дастур материални ёритишда, мавзуларга боғлиқ бўлган амалий масалаларга ўқувчилар диққатини жалб қилиш муҳимлиги кўрсатилган. Кимёдан янги материалларни баён қилиш жараёнида шахсга йўналтирилган лаборатория ҳамда амалий ишларга оид материаллар кўрсатилган. Шахсга йўналтирилган дарс бир нечта босқичлардан иборат бўлади. *Мотивацон-мақсадли босқич:* у ўз ичига эмоционал-психологик кайфиятни, таянч билимларни, дарс мавзуларини ва мақсадни аниқлашни олади. *Операцион босқич:* назарияни, мустақил ишларни ва рефлексияни текширишдан иборат. *Рефлексия босқичи:* бу ҳар бир даражани бажаргандан кейин келади. Дарс охирида ўқувчи ўзининг ишини таҳлил қилади, қийинчиликларни аниқлайди, кейинги дарсга мақсад қўяди, топшириқларни бажармаган ёки камчиликка йўл қўйганларга кўрсатмалар беради, дарсда ўз муносабатини намоён қилади. Бу босқичда ўқувчи уй ишини танлайди. Уйда ўқув топшириқларини бажаришнинг аҳамияти шундаки, бу ўқувчининг мустақил ҳаракати ва фикр юритишини ривожлантиради. Улар ўқитувчи кўрсатмаси ва дарслик бўйича ишлаш билан индивидуал ва мустақил ҳаракат қилади, бу, ўз навбатида, уларнинг фикрлашини ривожлантиришга, материалларни англаган ҳолда эгаллашига ёрдам беради. Бундай материаллар ўқувчининг билимини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга имкон беради, улардан ўқувчининг билим ва кўникмасини текширишда фойдаланиш яхши натижа беради, ўқувчида кимё фанига қизиқиш ошади. Бундай вазифаларни ечиш мантиқий фикрлашни, ижодкорлик фантазиясини, кимёвий ҳодисаларни таҳлил қилишни ривожлантиради, назарий билимни табиат ҳодисаларини, турмуш, техникани тушунтириш учун қўллашга имкон беради, амалий фаолиятга тайёрлайди.

Юқорида зикр этилган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар кимё фанини ўқитиш мазмунини яхшилаш, ўқувчининг мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш, ижод қилиш, кўникма ва малакасини мустаҳкамлаш, билимини холисона баҳолаш, ўқув материаллари мазмуни шакллари ва усулларини доимий янгилаб бориш ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини доимий равишда ошириб боришни таъминлаш учун янги имкониятлар беради.

Кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг илмий аҳамияти тобора ошиб бораётганлиги муносабати билан шахсга йўналтирилган технологиялар, замонавий усуллар ва амалий масалаларга

оид материалларга, бу материаллар кимё дастури билан узвий боғланган бўлишига, кимёвий қонун ва ҳодисаларнинг ишлаб чиқариш шароитида қўлланишини акс эттиришига, ўқувчининг касбини танлашига ёрдам беришига, кимёнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши асосида амалга оширилишига асосий эътибор қаратилган.

Тадқиқотда шахсга йўналтирилган дарсни ташкил этишнинг назарий-методологик асослари, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришда бундай дарсларнинг ўрни ёритиб берилган. Мазкур дарснинг асосий мақсади ўқувчи фаоллигини ошириш, индивидуал хусусият ва қобилиятини ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун шароит яратиш, унга эришишда ўқувчи имкониятини аниқлашга имкон берадиган технологиялардан фойдаланиш, муаммоли топшириқларни бажаришда турли усуллардан фойдаланиш, фаолиятини натижага қараб баҳолаш кабилардан иборатлиги таъкидланган.

Дарс жараёнига шахсга йўналтирилган омил (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларни) киритиш механизми бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва илмий асослаб берилган. Бу жараёнга мазкур омилларни киритиш, ўқувчи шахси устуворлигини таъминлаш, дарс мақсадининг натижага эришувини амалга ошириш, дарс материали мазмунини таъминловчи технология, усул, восита ва шаклларни бир тизимга келтириш билан асосланади. Шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш, дарсни ташкил этишдаги технология, усул ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди.

Индивидуал-йўналтирилган ўқув режасини такомиллаштиришда, ўқув материаллари, ҳар бир ўқувчининг қобилияти, топшириқни бажариш даражаси, танлаш ҳисси ва ўзлаштириш темпига мос ҳолда тузилиши керак. Дастлаб, материални ўрганиш бўйича ўқувчига ўқув режаси, кейин эса уларни бажаришда ишларни қандай ташкил этиш бўйича кўрсатма берилган. Ўқув режасида материалнинг бир қисми ўқувчининг кимё фани бўйича билим, кўникма, малакаси даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Уларни тузишда параграфга ёки ўқув қўлланмаси мавзусига киритилган савол ва топшириқлардан фойдаланилган.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “шахс фаолиятига йўналтирилган модел” ишлаб чиқилди.

Моделда фаолият мақсади, фаолият мазмуни ва унинг унинг шахс томонидан ўзлаштириш усуллари, шахс тажрибаси ва сифатлари, фаолият хусусиятлари ва функциялари, фаолият давомида шахс томонидан эгалланадиган компетентция компонентлари ҳамда фаолият натижалари ўз аксини топган.



Мазкур модел ўқувчиларни кимёдан - қонун-қоидаларни билиши; амалий ишларни бажариши; мустақил ижодий ишларни бажариши; тажриба, лаборатория ишларини ўтказа олиши; муаммоли ўқув топшириқларини бажариши; билим, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллай олиши; кимёдан график, жадвал, схема, диаграммаларни чиза олиши; интерфаол усуллардан фойдаланиши; берилган топшириқларни мустақил равишда бажариб, хулоса чиқара олиши ҳамда мақсадга эришишига ёрдам беради.

Бу модел асосида кимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув амалга оширилади, унинг асосий тамойилларига амал қилинади, ўқитиш жараёни марказида ўқувчи шахси, унинг ўқув фаолияти туради. Мазкур моделдан фойдаланиш, ўқувчининг ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув-билиш компетенцияларини, касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик каби)ни, фикрлаш операциялари (таҳлил қилиш, солиштириш, классификациялаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш каби)ни шакллантиради. Бундай модел ўқитувчи ишини енгиллаштиради, кўргазмалиликни кучайтиради, натижада кимё фанини ўқитиш самарадорлиги ошади, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги мунтазам йўлга қўйилади (1-расм).

Шу билан бир қаторда, диссертацияда ўқувчи тажрибасидан фойдаланиш, топшириқнинг вариативлиги, вазифани ечиш ва бажаришда ўқувчига танлаш эркинлигини бериш, ўзаро ижодкорлик, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини таъминлаш, ўқитишнинг индивидуал дастурини тузиш, ҳар бир ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш, фаол мулоқот шакллари (фақат монолог эмас, балки диалог ва полилог)ни қўллашга йўналтирилган дарсларни ташкил этиш каби ўқувчи шахсини шакллантириш ва такомиллаштириш учун муҳим бўлган шароит ва педагогик фаолият принциплари аниқланган.


Кўплаб адабиётларни қайта ишлаш билан ўқув-билув қизиқишларини шакллантиришга оид муаммоли топшириқлар (оғзаки-манتيкий фикрлаш, хулоса чиқара олиш кўникмасини ривожлантирувчи, ижодкорлик, ўз-ўзини билиш имкониятини яратиш, ўзлаштиришни назорат қилишни амалга ошириш учун турли даражадаги индивидуал) ишлаб чиқилган ҳамда ўқувчининг мустақил иши учун дарсда табақалаштирилган мустақил ишларни ташкил этиш учун мўлжалланган дидактик материаллар тайёрланган.

Улар топшириқларнинг мураккаблик даражаси бўйича фарқ қилувчи бир нечта вариантларда тузилган. Ўқувчининг билиш қобилияти ҳисобга олиниб, унга мос ўқув материаллари танланган.

Бундай топшириқларни бажариш ўқувчидан асосий кимёвий қонуниятларни аниқ тушунишни талаб этади, мантикий фикрлашни, ижодкорлик фантазиясини, кимёвий ҳодисаларни таҳлил қилишни ривожлантиради, назарий билимларни табиат ҳодисалари, турмуш, техникани тушунтириш учун қўллашга имкон беради, амалий фаолиятга тайёрлайди.

Шахсга йўналтирилган дарс имкониятларининг анча кенгайиши ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишга имконият беради. Мазкур

тадқиқот ишида бу технология турли шаклларда қўлланилган, яъни кимёвий ҳодисаларни моделлаштириш, виртуал лаборатория ишларини ўтказиш, интернет тармоғидан, мультимедиали презентацияларга тайёрланиш ҳамда назорат дастурларидан фойдаланиш айтилган.



1-расм. Шахс фаолиятига йўналтирилган модел

Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда турли мазмундаги шахсга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш, дарсда техник воситалардан фойдаланиш, ижодкорлигини фаоллаштириш мақсадида гуруҳли ва индивидуал дарсларнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш, жамоавий фаолият ва мустақил ижод қилиш учун шароит яратиш, индивидуал ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, диалог, имитацион-ролли ўйинлар, ўқув мулоқоти тренинглари асосида кичик гуруҳларда дарсни ташкил этиш каби ўзига хос таълим муҳити яратилгани кўрсатиб ўтилган.

